

Буюк Британияда Ўзбекистон қамоқхоналарида жазо муддатини ўтаган ва ўтаётган ижодкорларнинг китоблари ўзбек ҳамда инглиз тилларида нашр этилгани ҳақида Би-Би-Си радиоси хабар берди.


Мазкур китобларда Мамадали Маҳмудов, Эмин Усмон, Дилмурод Саййид ва Хайрулло Ҳамидовларнинг асарлари жамланган.

Маълумотда айтилишича, “Бу тоғлар –улуғ тоғлар” деб номланган биринчи китобга Мамадали Маҳмудовнинг совет даврида қисман эълон қилинган ва кейинчалик тақиқланган “Ўлмас қоялар” романи, “Туманли кунлар” қиссаси, Эмин Усмоннинг “Томир” қиссаси киритилган.

“Маҳкумлар қўшиғи” деб аталган иккинчи китоб эса Дилмурод Саййид ва Хайрулло Ҳамидовларнинг шеърларидан иборатдир.

Эврил Турон таҳаллуси билан ижод қилган Мамадали Маҳмудов ўтган йилнинг 12 декабрида ўзининг 74 йиллигини нишонлади. У 14 йил қамоқ жазосини ўтаганидан сўнг, 2013 йилнинг 19 апрелида озодликка чиқарилган эди.

Озодлик радиоси таниқли адиб мустақиллик йилларида муҳолифатдаги «Эрк» демократик партияси ва унинг раҳбари Муҳаммад Солиҳ билан алоқалари учун 14 йилга озодликдан маҳрум этилганига қадар ҳам икки марта қамоққа ташлангани ҳақида ўз вақтида ёзган эди..



Унинг “Ўлмас қоялар” романи Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi, туркий халқларнинг Россия босқинига қарши курашига бағишланган. 1981 йилда ёзилган ва тақиқланган бу роман француз тилига ҳам таржима қилинган эди.

ЛОНДОНДА ҚАМОҚДАГИ ЎЗБЕК АДИБЛАРИНИНГ КИТОБЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

Лондонда сиёсий айблар билан Ўзбекистон қамоқхоналарида жазо муддатини ўтаган ва ўтаётган тўрт нафар таниқли шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ўзбек ва инглиз тилларида нашрдан чиқди.

Таниқли ўзбек адиби Эмин Усмон эса 2001 йилда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ертўлсаида вафот этган.

Ўзбек, уйғур ва рус тилларида ёзган 20 дан ортиқ китоблари билан халқ орасида обрў-эътибор топган ёзувчи 2001 йилнинг 11 февралда Ўзбекистон жиноят кодексининг 244 - моддаси 1-қисми (жамоатчилик хавфсизлигига таҳдид қилувчи материалларни тарқатиш) билан айбланиб қўлга олинганди.

Шу йилнинг 28 февралда эса унинг жасади қариндошларига топширилган.

2009 йилда порахўрлик ва таъмагирикда айбланиб 12,5 йилга

қамалган 52 ёшли Дилмурод Саййид ўзининг танқидий мақолалари, фермерлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи лавҳалари билан танилган. У Ўзбекистондаги “Эзгулик” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти аъзоси бўлган.

Халқаро ташкилотлар ва маҳаллий ҳуқуқ фаоллари Дилмурод Саййид сохта айбловлар билан қамалгани ҳақида айтиб келадилар. 37 яшар Хайрулла Ҳамидов “Ўзбекистон футболни”, республика телевидениесида мухбир ва спорт шарҳловчиси бўлиб ишлаб келган.

Қамалгунга қадар у футболга бағишланган “Интерфутбол”, “Чемпион” газеталарида танқидий руҳдаги мақолалари билан чиқаётган эди.


Хайрулла Ҳамидов Тошкентдаги “Наврўз” радиоси орқали эфирга узатилган “Ҳолислик сари” эшиттиришидаги ваъзлари билан, кейинчалик эса “Одамлар орасида” газетасидаги

фаолияти билан ўзбекистонликлар орасида шухрат қозонган.

Хайрулла Ҳамидов 2010 йилнинг 21 январ куни ҳибсга олинган эди.

2010 йил 27 май куни Тошкент вилоят Жиноят ишлари бўйича суди Хайрулла Ҳамидовни «Жиҳодчилар» диний-экстремистик гуруҳига алоқадорликда айбдор, деб топиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилган эди.

Хайрулла Ҳамидовнинг қамалишини қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, Ҳюман Райтс Уотч, Халқаро Амнистия каби ташкилотлар кескин қоралаган ва унинг озодликка чиқарилишини сўраб келмоқда.



Жиззах шаҳри Навоий маҳалласидаги Навоий кўчасида жойлашган хонадонлар эгалари шаҳар Бош архитекторидан огоҳлантириш хатлари олди.

12 январь кuni имзолаган мактубларида муаллиф ўз адресатларидан 10 кун муддат ичида “ўзларига тегишли уй-жойларни бузиш ишларини бошлашни” сўраган.

Бу ҳақда Озодликка хабар берган жиззахлик йигитга кўра, шаҳар расмийларидан келган бу огоҳлантирувдан кўча аҳли қаҳратон қишда эсанкираб қолган.

Архитекторнинг «Янги йил совғаси»

Жиззахлик йигит хат нусхасини ҳам жўнатди. Унда мана бундай дейилган:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 январдаги 34-Ф-сонли фармойиши, вилоят ҳокимининг 2013 йил 28 январдаги 25-сонли қарори, шаҳар ҳокимининг 2013 йил 29 январдаги 116-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Жиззах шаҳрининг Архитектура қиёфасини яхшилаш мақсадида А.Навоий кўчасининг кенгайиши муносабати билан Сизга тегишли А.Навоий кўчасида жойлашган (уй номери) уй-жойингиз бузилиши режалаштирилгани тўғрисида огоҳлантираман.

Огоҳлантириш хатини олган кунингиздан бошлаб, 10 кун муддат ичида ўзингизга тегишли уй-жойингизни бузиш ишларини бошлашингизни сўрайди”

Хатга шаҳар бош архитектори И. Тўраев имзо чекиб, муҳрини босган.

«Томдан тушган тараша»

Навоий кўчаси ахлининг уйи қирчиллама қишда бузилаётгани тўғрисида хабар қилган йигит ҳам шаҳар архитекторидан кuni кеча хат олганини айтди. Унинг айтишича, шаҳар архитекторидан келган мактуб томдан тараша тушгандай кутилмаган янгилик бўлди.

“Кўчамизга яқин жойдаги – стадион агрофидаги уйлар эгалари бундан 10 – 15 йил олдин огоҳлантирилган, уйлари учун улар пул олган ва ўтган

йили ва ундан олдинги йили ўша уйлар бузилиб ҳам кетган. Лекин бизнинг кўчадаги уйлар бузилиши тўғрисида ҳеч қачон гап бўлмаган”, деди исми сир қолишини истаган йигит. Унинг айтишича, Навоий кўчасида 100 дан зиёд хўжалик яшайди ва уларнинг ҳаммаси огоҳлантирув олган.

“Биринчидан, агар уйимиз эвазига бериладиган пулдан ҳам, ердан ҳам дарак йўқ. Иккинчидан, бузсак, совукда қаерга бориб яшаймиз?! ” деди йигит.

Одамлар кўрқаяпти

Унинг айтишича, маҳалла аҳли “ваххобий, деган баҳона билан қамаб юборишади, деб норозилик билдиришга ҳам кўрқаяпти”.

«Қонун есть қонун!»

Биз Жиззах шаҳар Бош архитектори билан боғланишга уриндик. Телефонини кўтаравермагач, шаҳар ҳокими қабулхонаси билан боғландик.

Ўзини “қабулхонадаги навбатчи”, деб таништирган шахс саволимизга

ҚАҲРАТОНДА ЖИЗЗАХЛИКЛАРГА ЎЗ УЙИНИ БУЗИШ БУЮРИЛДИ

жавобан бундай деди:

- Қонун есть қонун. Ҳукумат бошқаради давлатни. Нима дейилган бўлса, ўша нарса бўлади. Мен билмайман. Озодликданмисиз, бошқаданмисиз...

“Қабулхонадаги навбатчи” ҳокимиятнинг бошқа мулозимлари Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан ўтказилаётган тадбирда эканлигини, бугун бошқа ҳеч кимни топиб бўлмастлигини айтиш билан мулоқотимизга яқун ясаб қўйди.

«Ноябрдан апрелгача уй бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!»

Ҳар эҳтимолга қарши Жиззах вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳам боғландик. Жамият вакили аввалига бу масала “бизнинг ваколатларимиз доирасида эмас”, деди ва кейин масалага умумий ёндошар экан, “Ноябрдан апрелгача ҳеч кимнинг нафақат уй бузишга, ҳатто кўчиришга ҳақи йўқ. Бу БМТ қабул қилган меъёр, Конституция мизда қабул қилинган меъёр. Қишда ҳеч кимнинг ҳақи йўқ кўчиришга”, деди.

«Бузеверади, эмизикли чақалоғи бўлсаям!»

Афтидан Жиззах вилоят Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакилининг бу масаладаги информацияси эскироқ шекилли. Ҳар ҳолда адвокат Рухиддин Комиловнинг айтишича, у айтган меъёрлар бекор қилинганга анча бўлган.

- Қиш мавсумида фуқарони уйдан кўчириш ёки уйини бузиш мумкинми?

- Мумкин. Қиш мавсуми, Ёз мавсуми деган тушунча қолмаган бу масалада.

- Илгари шундай тақик бор эди, шекилли?

- Ҳа, 1993. 94 йилларгача бўлган қонунларда бор эди. Ҳозир йўқ. Ҳозир қаҳратон қишда ҳам, 50 даражали совукда ҳам боласи билан ҳайдаб чиқараверади. Боласи чақалоқ бўладими, бешикда бўладими – бунга қарамайди, деди адвокат Рухиддин Комилов. Балки суҳбатдошимиз адашмаётгандир – ҳар ҳолда мутахассиску?! Уйи бузилаётганларни Уй-жой кодекси ҳимоя қилади

Лекин нима бўлганда ҳам Жиззах шаҳри Навоий кўчаси аҳлини ҳимоя қиладиган бир қонуний меъёр бор. У ҳам бўлса, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддасидир.

“Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан уйи (квартираси) бузилиши лозим бўлган фуқароларни

турар жой билан таъминлаш”, деб номланган моддада мана бундай дейилган:

“Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хохишига биноан ва тарафлар келишувига кўра барча қулайликлари бўлган аввалгисига тенг қийматли уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги бошқа турар жой мулк қилиб берилди ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) қиймати берилмаётган турар жойнинг қийматидан ортиқ бўлган ҳолда бу фарк мулкдорга компенсация қилиниши лозим”.

Тўй кўпчиликка келди, «тўёна» олган — оз

Жиззахнинг Навоий кўчаси аҳли дуч келган муаммо ўзбекистонликлар учун янги муаммо эмас. Шаҳарлар ва туман марказларини ободонлаштириш марказий кўчаларда яшайдиган аҳоли учун қимматга тушаётгани тўғрисида Озодлик ўнлаб мақола ёритган.

Баъзи ўзбекистонликлар бузилган уйи учун давлатдан товон пули ундирган ҳолатлар ҳам бўлган.



Ўзбекистонда электр энергияси ва газ тақчиллиги боис касалхоналардаги вазият оғирлигича қолмоқда. Озодликка мактуб ёзган тингловчилардан бири Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги марказий шифохонада электр энергияси йўқлиги боис, касаллар қийналаётгани, чақалоқлар эса совуқдан кўкариб қолаётганини айтади. Касалхона шифокорлари бу ҳолатни рад этмади.

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида яшайдиган муштарийларимиздан бирининг WhatsApp орқали Озодликка ёзишча, Жомбой тумани марказий шифохонасида аҳвол жуда ҳам ёмон:

“Мен Жомбой туманиданман. Ўтган йил 25-ноябрда фарзандли булдим. Иморотга деб йиғиб қўйган ёғочларни ёқиб, кишни ўтказаетгандик. 2014 йил 13 январ кечаси ўғлимнинг тоби қочди. Докторга олиб бордик. Шамоллатгансизлар деб реанимацияга ётқизди. Бугун палатага олишган экан, ишдан қайтишда кўришга кирсам свет йўқ, хоналар совуқ, печка йўқ. Ҳали 2 ойлик бўлмаган гўдак совуқдан юзлари кўкариб кетган. Боламнинг йиғлаганини кўриб, йиғлагим кел-

ди. Шуми болаларга эътибор, ҳеч бўлмаса шифохонага газ свет бермайдами?”, деб ёзади жомбойлик тингловчи.

Озодлик бу ҳолатга изоҳ олиш мақсадида Жомбой тумани марказий шифохонаси билан боғланди.

Овози эфирга берилмаслик шарт билан гапирган касалхона шифокорларидан бирининг айтишча, улар ҳам бу вазиятдан чиқишнинг иложи-ни қилишолмаяпти:

- Туманимизда тўрт суткадан

Кейин рўмолларга ўраниб, исик кийимлари билан ухлашади,- дейди қашқадарёлик шифокор.

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида яшайдиган шифокор Абдурайим Бозоровнинг айтишча, исиклик етказиб беролмагани сабабли тумандаги туғруқхона ёпилган:

- Бизларда ҳам иситиш системаси умуман ишдан чиққан. Болницами, мактабми ҳаммасида аҳвол ёмон. Каттакўрғон туманидаги роддомни

КАСАЛХОНАЛАРДА БОЛАЛАР СОВУҚДАН КЎКАРИБ ҚОЛЯПТИ

бери свет йўқ. Мана ҳозир ҳам йўқ. Касалхонамиз котелнийси свет билан иситишга мўлжалланган. Бизга суткасига икки соат свет беряптию, лекин котелний сувни қизитишга улгурмаяпти. Бош врачимиз аҳвол шундай бўлса болницани ёпамиз деяпти. Ҳақиқатан аҳволимиз жуда оғир,- дейди касалхона шифокорларидан бири.

Айни пайтда, жомбойлик шифокор тасвирлаган ҳолатнинг мамлакатнинг бошқа туманларидаги касалхоналарда ҳам кузатилаётгани айтилмоқда.

Қашқадарё вилоятидаги касалхоналардан бирида ишлайдиган шифокорнинг айтишча, беморлар қалин кийимлари билан ётадилар:

- Бизда ҳам аҳвол шу. Хоналарга электр печкалар қўйилган. Уларнинг аксариятини касаллар уйларида олиб келган. Икки-уч соат свет берганда хонани сал илтиб олишади.

ёпиб қўйишди. Ҳозир тўлғоқ тутган аёлларни қўшни Навоий шаҳрига олиб боришяпти. Лекин бу аҳволни биров сўрамайди,- дейди Абдурайим Бозоров.

Сўнги бир неча кун ичида Озодликка Наманган, Самарқанд, Жиззах вилоятларидан келган шикоятларда электр токи таъминотидаги узилишлар боис шифохоналардаги аҳвол оғирлашиб бораётгани тилга олинган эди.

Ўзбекистонда кишининг қаттиқ келиши қишлоқ мактаблари ўқитувчи ва ўқувчиларини танг аҳволда қолдиргани ҳақида ҳам Озодлик хабар берган эди.

Газ таъминотидан батамом узилган мактабларнинг ўқувчилари совуқдан азоб чекмоқда. Баъзи туманларда, синфхоналарни иситиш учун ўқувчилар навбат билан ўтин олиб келишга мажбур бўлмоқда.

ozodlik.org



2014 йил 10 январь куни бўлиб ўтган жума хутбаларида Ислом Каримов тузумига хизмат қилаётган расмий имомлар диққат эътиборини яқинлашиб келаётган Ватан химоячилари кунига бағишлаб, маърузаларида ҳарбийларни намоз ўқимасликка чақиришди.

МХХ томонидан олдиндан белгилаб берилган мавзу – 14 январь куни – ҳақида гапирар эканлар ҳукумат имомлари Ватанни химоя қилиш қанчалик муқаддас бурч, юрт чегараларини ва осойишталигини кўлига

қурол олиб таъминлаш жиҳоднинг бир тури эканлигини бот бот тақрорлашди. Хусусан, Кўкалдош мадрасаси ёнидаги жомеъ масжидда ўқилган маърузада Тошкент шаҳар Бош имом хабиби Анвар Турсунов мустабид тузумни кўриқлаётган чегарачилару милиционерлар, ҳарбийлару мххчиларни олқишлаб, уларни Аллоҳ ва Ислом йўлида жанг қилаётган мужоҳидларга тенглаштирди.

КАРИМОВНИНГ ИМОМЛАРИ ҲАРБИЙЛАРНИ НАМОЗ ЎҚИМАСЛИККА ЧАҚИРИШДИ

Пойтахт масжидларида қилинган бошқа маърузаларда ҳам расмий имомлар “тепа”дан туширилган мавзу ва ёзиб берилган матнларни ўқиб эшиттиришди.

Баъзи муллалар эса: “Чегарадаги постни ташлаб кетиб, намоз ўқиш гуноҳи азим” эканлиги ҳақида ваъз қилиб, ҳарбийларни хизмат пайти

намоз ўқимасликка чақиришди.

Шундай маърузаларни ўқиб эшиттирган каримовпараст имомлар Исломда мусулмонлар фақат мусулмон подшони ва фақат шаръий ҳукмларни қурол билан химоя қилишгина муқаддас иш эканлиги ҳақида изоҳ бериб ўтирмадилар.

Бундай жирканч монологларни тинглаган аудитория ҳам: “Исломга қарши курашаётган раҳбарни ва

тузумни химоя қилиш ҳам савоб ишми?” ёки “Ўзи Ўзбекистон армияси ва давлат ташкилотларида намоз ўқиш расман таъқиқланган бўлса, нимага “Ҳарбийлар намоз ўқимасин!” – деб хавотир олаяписиз?” қабилидаги саволларни ўртага ташламади.

ЎХХ ахборот бўлими



Сочи Олимпиадасининг меҳмонлари орасида “Черный Гафур” номи билан кўпроқ танилган Гафур Раҳимовнинг ҳам келиши кутилмоқда. Гафурнинг келиши катта жанжал бўлиши турган гап, чунки Ўзбекистонда унга кидирув эълон қилинган.

АҚШ молия вазирлиги эса уни наркотик савдоси учун қора рўйхатга киритган. Россия Ишлар Вазирлиги (ИИВ) базасида уни минтакалараро уюшган жиноятчи гуруҳ лидери сифатида қайд этилган, ҳамда криминал авторитетлар “Япончик” ва “Дед Хасан” билан алоқаси борлиги айtilган.

Вазиятнинг нозиклиги яна шундаки, Гафурнинг шахсий сайъ-ҳаракатлари натижасида, Россия 2014 йилги Олимпиада ҳамда 2018 йилги Футбол Жаҳон чемпионатини ўтказиш ҳуқуқини қозонган. Ҳозир Гафурбой Араб Амирликларида яшайди, онда-сонда Россияга келиб туради. Охири марта Гафур Раҳимов Москвага Осиё Олимпиа кенгаши расмий делегацияси йил апрелида келган.

Кенгаш президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳ билан бирга у Ёқутистон-Соҳа президенти Егор Борисов билан, вице-президент Дмитрий Глушко билан ҳамда Россия Давлат Думаси Жисмоний-тарбия, спорт ва ёшлар Кўмитаси раҳбари Марат Бариев билан учрашиб, расмий музокаралар олиб борган.

Бундан бир ҳафта олдин Гафур Раҳимов Ёқутистонда бўлган ва у ерда “Осиё Фарзандлари” номли халқаро спорт ўйинларининг тантанали очилишида қатнашган.

Унинг ташрифи олдида Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги Раҳимовга расмий кидирув эълон қилган. АҚШ молия вазирлиги эса уни “Братва” (Brother’s Circle) қора рўйхатига киритган. Аммо Россия чегарачилари на уни ва на унинг ёрдамчиси Шерзод Асадуллаевни кўлга олишмади.

Фақат Ёқутистондаги бир қатор оммавий ахборот воситалари

Раҳимовнинг маҳаллий президент ва бошқа юқори мулозимлар билан расмий учрашувларида олинган тасвирларни ўз сайтларидан олиб ташлаган.

Гафур Раҳимовнинг расмий биографияси. Гафур Раҳимов Тошкентда 1951 йил туғилган. Спорт мактабида бокс билан шуғулланган. Ленинградда иқдисодчи дипломини олган.

Сўнгра Ўзбекистон Савдо Вазирлигида ишлаган ва “Динамо” спорт жамиятида бокс тренера бўлган. 80-90-йилларда, Коперативлар, хиссадорлик ва кичик бизнес Ассоциациясининг фаол иштирокчиси,

Ўзбекистон Бокс Федерацияси аъзоси ва миллий терма жамоа консультанти. Сўнгра Ўзбекистон Бокс Федерацияси вице-президенти. Халқаро бокс федерацияси ижройи кўмитасининг аъзоси. 1999-йилдан

кучишлар тизимидаги мулозимлар билан дўстлиги айtilади.

Эҳтимол, булар ўзаро боғлиқ бўлмаган нарсалардир. Аммо “Криша” учун улуш тўлашни истамаган тадбиркорларни милициялар наркотик ташлаб СИЗОга тикишади.

Кейин эса қандайдир бир мўъжизавий тарзда СИЗОда ётган бизнесменларнинг бойлиги Раҳимов билан боғлиқ фирмаларга ўтиб қолаверади.

Гафурнинг кўл остидагиларга (эҳтимол хасаддор), бир қанча кооператив эгаларини ўлдириш жиноятлари нисбат қилинади. Жумладан, Ашот Манучян, Абдулла Солижанов, “Лео Тур” эгаси Левон Гаспарян ва ипподром директори Ашот Габриелиян (Габа) шулар жумласидан.

Нима бўлгандаям, 90-йиллар

ГАФУР РАҲИМОВ СОЧИ-2014 ГА КЕЛАДИ

Ўзбекистонлик таниқли тадбиркорнинг Сочи-2014 билан қандай алоқаси бор? Россиядаги “Новая газета” Ўзбекистонлик таниқли тадбиркор Гафур Раҳимов ҳақида бугун тахририят мақоласини чоп этди. Қуйида унинг қисқача мазмунини келтирамыз:

буён эса Осиё Олимпия кенгашининг Марказий Осиё бўлими вице-президенти. “Меҳржон” номли ҳайрия кенгаши раиси. Гафурнинг ўғли Москвада Эрон фуқароси Али Ромин Набизода билан шерикликда “Агро-Ойл-Компани” ширкатига эгалик қилади.

Гафур Раҳимовнинг норасмий биографияси ҳам бор. Унга кўра у фаолиятини Тошкентда сомса сотишдан бошлаган ва шунинг учун унинг лақаби “Пирожок” бўлган. Кейинроқ Пирожок ўз атрофига боксчи ва ҳар хил одамларни тўплаган (улар орасида камокда ўтириб чиққанлар ҳам бўлган) ва 90-йилларда киноларда айtilган ўша “учар бизнес” билан шуғулланган.

Еш боксчининг ташкилотчилик қобилиятлари раҳматли Дед Хасанга маъқул келган ва у Гафурни ўзига яқин қилиб олган. Интернетда Гафур Раҳимовнинг Тошкентдаги уйида Дед Хасан билан бирга тушган суратлари бор.

Шундан бери Пирожокни “Черный Гафур” деб атай бошлашади ва унга коммерсантлар серкатнов бўлиб қолади, ҳар бири “Черный Гафур” орқали ўз ишини битиришга уринарди.

Ўзбек сиёсий муҳолифати сайтларида эса Гафур Раҳимовнинг ўзбек

нинг ўрталарида Гафурнинг таъсири шу даражада кучайдики, Россия ФСБ тезкор маълумотларида уни Ўзбекистондаги “№2 шахс” дея атай бошлашди. Иқтибос келтирамыз:

“Ақлли, кучли, иродали ва катта таъсирга эга шахс. Шахсан Ислон Каримовнинг ҳимоясида.

Каримов уни “Гдлян-Иванов” тозалашларидан кейин “тепага олиб чиққан”. Ким Каримовга норасмий ташриф буюрмоқчи бўлса, у албатта Гафур ҳузуридан ўтади. Ўзбекистондаги кўпгина пахтани қайта ишлаш комбинатларини назорат қилади. Унинг улуши 10-15%.

Брестда кучли коррупциялашган алоқалари бор. Улар орқали Европада пахта жўнатади. Тожикистондаги ноқонуний пахтанинг аксарият қисмини Гафур сотиб олади.

Бир мартасига 5 минг тоннагача пахтани 300 дан 600 долларгача нархда нақд пулга сотиб олишга кодир. Тошкент яқинидаги вилласида Ўзбекистон президенти кубоги учун теннис турнирлари ўтказилган. Раҳимовнинг уйини криминал авторитетлар Усоян (яъни Дед Хасан), Датио Сихалашвили (яъни Дато Ташкенский) зиёрат қилган”.

Бундан ташқари ФСБ маълумотларида яна шундай дейилади:

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

“Ғафурнинг тижорий тизимлари гўёки Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати ходимларининг хорижий сафарлари ва махфий махсус амалиётларини молиялаштиради.

Россия Ички Ишлар Вазирлиги архивларида эса Тошкентда Ғафурнинг одамлари ҳақидаги маълумотларни топиш мумкин. Гўёки улар Уйғурларнинг уюшган жиноятчи гуруҳи лидери Рустам Габбазов билан (яъни Рустам Днепропетровский) билан Москвага ва Питербурга героин жўнатишни йўлга қўйган. Маълумотларга кўра, бу наркотиклар Москвага пахта билан бирга жўнатилади”. МВД архивларида яна баъзи фантастик воқеалар ҳам бор. Гўёки Ғафур исмли бир кишининг буйруғи билан бандитлар Россия федерацияси вице-премьерининг ўғлини наркотикка ўргатишган (яъни игнага ўтказишган) сўнгра отасини шантаж қилишган. Бу ҳақда у пайтдаги Россия президенти Ельцинга етказишган, у эса буни овоза қилмасликка буюрган.

ҒАФУР РАҲИМОВ СОЧИ-2014 ГА КЕЛАДИ

Чет эл махсус хизматларининг назарига Раҳимов илк маротаба Афғон генерали Абдурашид Дўстум билан ўзаро алоқалари сабабли тушган. Дўстум Афғонистоннинг Шимолий худудларини назорат қиларди. У ерда Афғон героининг 80% етиштирилари. Толиблар келиб унинг аскарларини тор-мор этгач, Дўстум Тошкентга қочган.

Иккинчи марта Ғафурнинг халқаро наркотик курашчиларига дуч келиши эса бундай бўлган: “Раҳимов криминал авторитетлар Ваха Молодой ва Моня Эльсон билан бирга “Кремлёвская Княжна” номли хашаматли яхтада кўзга тушган.

Бу яхта машхур наркосавдогар ва аферист Рикардо Фанчинига тегишли бўлган. Фанчинини ўша пайт бирданига олти давлатнинг полицияси қувлаётган бўлган.

Биринчи бўлиб Ғафурнинг бошидаги муаммолар 1998 йил 20 мартда бошланди. Бир қатор Европа ОАВда “Ўзбек Наркобарони”га Франция визасини бекор қилингани ва ватанига депортация қилингани ҳақида хабарлар пайдо бўлди.

Иккинчиси эса 2000 йил Раҳимовни Сидней Олимпиадасига қўйишмади. Сўнгра, 2003 йил Захарий Калашовнинг (Чакро) 50 йиллигида. Бу юбелей Испаниядаги Монтеболи отелида ўтказилаётганди.

Россиянинг энг машхур криминал авторитетлари гуруҳ бўлиб сурагга тушган. У ерда Дед Хасан Ғафурни кучоқлаб тургани матбуотга чиқиб кетди.

Аммо муаммонинг каттаси 2008 йилда бошланди. Ғафурни Ўзбекистон бокс федерацияси вице-президентлигидан бўшатишди. Тошкентдаги фирмаларини дарров солиқчилар босди.

Бир неча ўн миллион долларлик товарлар эса божхонада тўхтатилди. Бир версияга кўра, Ўзбекистонга зудлик хорижий кредитлар керак бўлиб қолган ва шу бахонада ҳукумат ўзини гўёки халқаро наркотик савдосига қарши курашаётган қилиб кўрсатмоқчи бўлган, дейилади.

Бошқа версияга кўра эса, Ғафур гўёки Ипотека-Банк активларини Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора билан бўлишолмай қолган ва шунинг учун уни “пресс” қилишни бошлашган.

Зудлик билан “суриш” керак. Ва Ғафур оиласи билан Ўзбекистонни тарк этади. Унга тегишли бўлган газ

компанияларидаги, ёғ комбинатирлари, пахта заводлари ва банклардаги ҳиссалар ишончли шахсларга ўтказилди. Бу ишончли шахслар Ғафурнинг эмас, Каримов оиласига яқин шахслар эди.

Ғафурбойнинг яқинларига эса жинойий ишлар очилди. Ғафур Раҳимовнинг ўзига қарши 2013 йил 2 февралда Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги расман қидирув эълон қилди. Унга қарши қўйилган айбловлар орасида “фирибгарлик, сохта хужжатлардан фойдаланиш ва жиноятчилик йўли билан топилган пулни ювиш”.

2006 йил 22 июнда Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Жак Рогге 2014 йилги қишки Олимпиадани ўтказувчи номзод шаҳарларни эълон қилди: Сочи, Зальцбург ва Пхёнгчхан шаҳарлари. Биздаги маълумотларга кўра, 2007 йил бошида Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти Раҳимов билан Россиядан махфий топшириқ билан келган юқори мулозим ўртасида музокаралар бўлиб ўтган.

Бу музокараларда Россиялик махфий чопар Раҳимовдан Сочига кўпроқ овоз қозонишга ёрдам беришини сўрайди. Унинг илтимосига кўра, Раҳимов Осиё Олимпия кўмиталари вакилларига таъсир ўтказиши керак эди. Раҳимов бунга

қарши қандай шартлар қўйгани аниқ маълум эмас.

“Новая газета”нинг махсус хизматларидаги манбасидан олинган маълумотларга кўра, гўёки Ғафур Раҳимов Олимпиада объектларини куришда ўзининг эски бизнес-шеригини кўришни истаган, бу шерик ҳозир Россия давлат Думасининг депутати, унинг фамилияси “Новая газета”га маълум.

Иккинчи шарт эса Ёкутистондан олмос қазиб олинишига қизиқиш билдирган. Маълумки 2007 йил 4 июлда Гватемалада, Халқаро Олимпиада кўмитасининг сессиясида Сочи шахри ғалаба қозонди. Бир ойдан кейин Россия Олимпия кўмитаси президенти Леонид Тягашев, “Российская газета” саҳифасида шундай деди, “Мен қатъий ишонч билан айта оламанки, Осиёлик Олимпия кўмита вакиллари овозисиз Сочи ғалаба қозониши жуда қийин эди.

Бу Ўзбекистон республикаси вакили, Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти, Халқаро Ҳаваскор бокс федерацияси вице-президенти Ғафур Раҳимовнинг сайъ-ҳаракатлари натижасида рўёбга чиқди”.

Ҳозир Раҳимов оиласи Дубайнинг Emirates Hills қисмида яшайди. Бу ерда Ғафурбой бир қатор заргарлик дўконлар тармоғига эга. Блоггерларнинг ёзишча, бугунгача унинг ҳузурида ўзбек муллозимларининг аёллари, МХХ генераллари ва Россиялик криминал авторитетлар меҳмон бўлган.

Осиё Олимпия кенгашининг вице-президенти сифатида (Кенгашининг марказий офиси Кувайтда) Ғафур Раҳимов дипломатик дахлсизликка эга.

Бу ташкилотда у Россия йўналишини бошқаради. Хусусан, тилга олганимиз “Осиё Фарзандлари” спорт ўйинларига ҳамда “Россия – Спорт Державаси” номли халқаро форумга хомийлик қилади. Сочидаги Олимпиадага жаноб Раҳимов оиласи билан келишни ва хусусий бир виллада жойлашишни режаллаган.

Шуни ҳам қўшиб ўтиш мумкинки, 90-йилларда Ғафур ва унинг Россиядаги алоқаларига ФСБ подполковниги Александр Литвенинко бош-қош бўлганди. Литвенинко бу ҳақда ўзининг “Лубянкадаги Жинойий Гуруҳ” номли китобида ёзган. Литвенинко ўз раҳбариятига Ғафур ҳақидаги улкан досье ҳозирлаб тақдим этган.

ФСБнинг ўша пайтдаги директори Россиянинг ҳозирги президенти бўлган.

“Новая газета” сайтдан
UZBEK.FM таржимаси



Бир неча ой олдин Нуриддин Жуманиёзов Абдулла Тожибой ўглининг таклифига кўра, ўзбекистонлик икки кишининг Чимкент шаҳрига етиб бориш ва у ерда ёлланма иш топишига ёрдам берган. Аммо худди шу «иш» бўйича қўлга олинган Фахриддин Тиллаевнинг ушбу «даллолчилик»ка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.

Шуниси ажабланарлики, Н. Жуманиёзов 2 та эмас, 20 та одам жўнатгани, Фахриддин Тиллаев эса бу ишда унга ҳамкорлик кўрсатгани айбланмоқда. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам одам савдосида айбланиб, жазога тортилиши мумкин.

Қуйида Қозоғистондаги иш берувчи аёлнинг бу мавзуда бу ишни олиб бораётган терговчи номига юборган хатини эълон қиламиз:

Билдириш

Мен Демезова Жанар Жанубий Қозоғистонданман. Баъзи хабарларга кўра, Ўзбекистон фуқаролари Жуманиязов Нураддин ва Тиллаев Фахриддинларга қарши «одам савдоси билан шуғулланган» деган уйдурма тухматлар билан Пардаев Фарҳод (Келдиёров), Эрданов Эркинларнинг Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига ёзган «шикоят» асосида, жиноий иш очилган.

Эмишки, Фарҳод ва Эркинларнинг ишлаган иш ҳақиқи берилмаган. Иш ҳақларини тўлиқ олишган бўлсаларда, нега булар бир-бирларининг устидан мағзава ағдараётганлигини тушунмай қолдим. 2013-йил 5-сентябр кунлари эди тахминимча. Нураддин ака, Фарҳод ва Эркинлар бизга ишга келишди. Келган куни маълум бўлдики, улар қурилиш ишлари бўйича ҳеч нарса билмас экан.

Мен «усталаринг йўқ экан, қайтиб кетинглар», дедим. Улар менга ёлвориб тушишди: Фарҳод «мен 2700 доллар қарзим бор, келиб чиқиши араб бўлган Олий суднинг бошлиғи Бўритош Мустафаевнинг тилла конидан».

Қарзимни тўламасам, улар (Бўритош Мустафаев камандасини назарда тутаяпти) мени ўлдиртириб юборишади», деб ялинди.

Эркин эса: «болаларим бутун ёз бўйи помидор еб қорин тўйғазмоқда, олдинги хотинимни боқа олмаганимдан мени ташлаб кетган. 5-6 сўм чой пулини ишлаб кетмасам бўлмайди, илтимос ёрдам беринг опагон», деб ялинди. Нураддин ака эса «Ўзбекистонда менинг мутахасис-

лигим бўйича иш йўқ, пенсия оиламни боқиб етмайди, имкон бўлса, ошхонада бўш жой бўлса, ошпазлик қилсам», деб тушунтирди.

Мен уларга раҳмим келди тўғриси. Уларга мен «уста бўлмасаларинг кам иш ҳақи оласизлар», деганимда тенгани сўмга чақишдим, кейин рози бўлишди. Уларни 2-3 кун овқатлантирдим, жой билан таъминладим (ҳаммаси ўз ҳисобимдан) токи иш топилгунча.

Ниҳоят, уларга иш топдим ўрчисасига «Стяшка» 1 кв метри 500 ёки 450 тангадан.

Фарҳод ва Эркинлар пулига рози бўлишдию, аммо «бир одам беринг стяшкани биладиган, бизга қандай қилинишини кўрсатиб берсин, кейин ўрганиб кетамиз», дейишди.

Уларга бир Ўзбекистонлик устани қўшиб жўнатдим (устанинг бир кунлик иш ҳаққини ҳам ўз ҳисобимдан тўлаганман).

5-6 кунда битадиган стяшкани ҳам ярим ойда ҳам битказа олишмади, улар телефон қилишиб, ҳолижонимга қўймай чақиртирди.

ОДАМНИ КИМ СОТЯПТИ?

Бордим, барча хоналарнинг бешдан уч (3/5) қисми талабга жавоб бермайдиган эди. Ишлари тоза эмас, уй хўжайини Асилхон менга арз қилди.

Бунақа ишни кўчадаги «бўмж»ларга берсам, 10 кунда битказишар эди, касалми жуда секин ишлайди, қанча сement қанча қумларни исроф қилишди.

Асилхонга яхши гапириб 30 минг тенга пулини олиб, уйимга қайтариб олиб келиб, яна иш топилгунча жой билан таъминладим, овқатлантирдим 2 кун (буларнинг барчаси менинг ҳисобимдан. Бунга йўлқира ҳам киради).

Яна ўша гап бригадаларининг бўлса яхши бўлар эди, бошқа бригада қўйсам сизларни ёқтиришмайди, «сизларни чўқилаб ташлайди», дедим.

Бетончилар бригадасига ялиниб-ёлвориб ишга қўйдим. Эртаси куни бригадирдан арз тушди, «Фарҳод ишламайди, Фарҳодни олиб кетинг» — деб. Уларга яна Фарҳод учун илтимос қилиб жойладим.

Адашмасам, қурилиш хўжайини Савли деган қиз бола эди. Чимкентда миграция полиция рейд ўтказаятганлиги учун, илтимос ишчиларингизни кўздан панароқ жойда ушлаб туриш деб огоҳлантирибди.

Савли уларни 3 кун уйда ушлаб турган. 3 кун ичида Савлининг акаси дерзасига отқўс олса яхши тўлашлиғини айтган. Булар битта дерзасига ҳам отқўс олишмай ароқ ичиб ётишган.

Паспортини рўйхатдан ўтказиб (рўйхатдан ўтказишнинг ўзи бўлмайди) қўлига тутқазган бўлсам,

2-3 марта Фарҳод «паспорт сизда турсин» деб айтган. Мен ҳар бир фуқаронинг паспорти ўзида туришини ўқирганман ва олмаганман.

Бир куни бетончилар бригадирини Жанара опа, «Фарҳоднинг хотини ўриси?» деб сўради. »

Ҳар куни кеч соат 10-11 ларда бир соат, бир ярим соат рус тилида сўзлашади.

Кимлар билан (хўжайинга айтиб телефонга пул солдиради) пулини телефон билан сўзлашиб йўқотадику», дея куюнди, бетончилар бригадирини.

Қисқаси, бетончиларни — айнан Фарҳоднинг ёқмай қолганлиги учун — 3-октабр куни жўнатишга мажбур бўлдим.

Битмаган иш учун Қозоғистонда ҳақ берилмайди. ўзимнинг ёнимдан икковига 6500 тенгадан (ҳар бирига), то Сарноғочга етиб олиши учун такси пулини бериб юбордим.

Кетаётганда Фарҳод мен албатта келаман, ёғ заводда ишламан деб ваъда берганга ўхшаб. Мен айтдимки, «устасиз келманг, фақат уста билан келинг», дедим ва хайрлашдим.

Кечирасиз, сизга қолгани неча фоиз деб сўрарсиз. Мусофирнинг дуоси вожиб бўлади дейишади, савоб иш ҳам қилиш керак.

Ҳа айтмоқчи, Асилхондан олган 30 минг тенгани нима қилдингиз? деб сўрамоқчи бўлиб турибсиз. 30 минг тенганинг устига пул қўшиб, 20-сентябр 2013-йил СОНТАК пул жўнатмасидан 394806 коди орқали Фарҳод Пардаевнинг ўғлига, Пардаев Жаҳонгир Фарҳодўғлига 100 доллар.

20-сентябр 2013-йил СОНТАК пул жўнатмасидан 394891 коди орқали Эркиннинг хотини Эрдонова Уғилой Келдиёровна 100 доллар. Уларнинг иккаласи ҳам пулни олишган.

Энди қаранг 30 минг тенга олдим, мен уларга 32 177. 6 тенга жўнатдим. Тўлиқ пулини ошиқ (2177. 6) тенга билан олган бўлса қанақа Одам савдоси. Фахриддин Тиллаевнинг ва Нураддин Жуманиязовнинг қанақасига Одам савдосига алоқаси бор?

**Демезова Жанар
8.01.2014.**

P.S. Бу мактубни ўқиб, одам даҳшатга тушади. Уз сафдошларига тухмат қилиб, пул топишга бел боғлаган «хўқўқон», иккинчи тарафда МХХ нинг топишириги билан «ишчи» қиёфасига кириб, Қозоғистонга жўнаган фарҳодлар...

Одамни ким сотяпти?

Бу муҳолифатчиларни МХХ қўлига топширган «хўқўқон» Абдулла Тожибой ўғлини ёки унинг қурбонлари Нураддин Жуманиёзов билан Фахриддин Тиллаевми?



Ўзбекистонда МХХнинг вилоят бошқармалари раҳбарларини ишдан олиш ваколати фақат ушбу хизмат расисига берилган бўлса ҳам, Аҳмаджон Усмонов ушбу хизмат тартибини бузишга журъат этди.

Пойтахт вилояти ҳокими этиб тайинлангандан кейин ўтказилган илк мажлислардан бирида Аҳмаджон Усмонов МХХнинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғини эллиқдан ортиқ амалдор ва депутатлар олдида ҳақорат қилди, мажлисдан ҳайдаб чиқарди ва ишдан олди. Бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги шундай воқеалардан биринчиси бўлиб, Аҳмаджон Усмоновгача вилоят ҳокимларидан ҳеч ким МХХнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғини ишдан олмаган. Рустам Иноятовнинг шахсий дастагидан фойдаланаётган Аҳмаджон Усмонов қўл остидаги ходимларни ва фермерларни дўппослашани одат қилиб олган. Унинг муштумзўрлигини Андижон вилоятидаги амалдор ва фермерлар тасдиқлаши мумкин. Дарвоқе, Аҳмаджон Усмонов Андижон вилояти ҳокими лавозимига ҳам МХХ раиси Рустам Иноятовнинг тавсиясига кўра тайинланган эди. Андижон қатлиомидан кейин бу одам вилоят аҳолисига нисбатан кенг қамровли қатағонларни амалга оширди.

Энди эса, яъни Тошкент вилояти ҳокими лавозимига ўтиргач, Ўзбекистон махсус хизматлари раҳбарининг чексиз дастаги эвазига Аҳмаджон Усмонов пойтахт вилояти Уртачирчиқ туманидаги аҳоли уйларино ноқонуний тарзда бузишни бошлаб юборди. Унинг адолатсиз ва ноқонуний буйруғига кўра, маҳаллий амалдорлар Тошкент-Тўйтепа автотрассаси бўйлаб жойлашган уйлари бузишга тушишди. Хўжақўрсинга қилинаётган ушбу "ободонлаштириш" Тошкент вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов ва МХХ раиси Рустам Иноятов учун "ҳокимнинг шаҳар ва қишлоқларни обод қилишдаги янги зафарларини президентга кўрсатиш" мақсадида керак. "Идора" раиси шу ва бошқа пиар-қадамлар орқали Аҳмаджон Усмоновни мамлакат Бош вазир лавозимига тайинланишига эришмоқчи.

Рустам Иноятовнинг режаларига кўра, Ўзбекистонни буткул эсенбиллаштиргандан кейин республика президенти лавозимига унинг ўзи бемалол даъвогарлик қилиши ёки бўлмаса бу жойга Шавкат Мирзиёев каби ўз одамларини, яъни "идора"нинг одамларини олиб келиш мумкин бўлади.

МХХ раисининг фикрига кўра, мамлакат ичкарасида бу режаларга ҳозирча фақат тиниб-тинчимас Гулнора Каримова ҳалақит қилиши мумкин. Шундай қилиб...

Гулнора Каримовага нисбатан Иноятов ва "идора" нафратининг асл сабаблари

Иноятов ва унинг хизмати Гулнора Каримовада ҳамшиша ўзгаларнинг бизнесини тортиб олишга ўрганиб қолган димоғдор хонимнигина эмас, балки президент лавозимига потенциал номзодни ҳам кўрган. Ўзбекистон махсус хизматларининг раҳбари Гулнора Каримовадан 2006-2007 йиллардан бошлаб жиддий хавотирлана бошлади.

Илк маротаба улар 2009 йилда тўқнаш келишди. Ушанда Рустам Иноятов МХХнинг махфий тижорат бўлими орқали "Ипотека-банк"ни хусусийлаштириб, кейин россиялик жиноий гуруҳларга сотмоқчи эди. Лекин унинг бу режаларига Миродил Жалолов ҳалақит берганди: Одил-бой Иноятовнинг "идораси" унинг "Zeromax"ни банкни сотиб олишга яқинлаштирмаётгани ҳақида Гулнора Каримовага шикоят қилганди.

Ва шундан кейин "Ипотека-банк"ни хусусийлаштириб, россиялик инвестор-

олдига қўйишмаяпти. Интернет олами ва Twitter.Com ижтимоий тармоғи Гулнора Каримова учун ягона эрмак бўлиб қолмода.

Гулнора Каримованинг узоқ вақт давомида ташқи дунёдан узилиб қолаётгани унинг руҳий ҳолатига салбий таъсир қила бошлади. Охириги пайтларда у тез-тез руҳий мувозанатдан чиқа бошлади. Масалан, Гулнора Каримова Рустам Иноятовнинг қариндошларига кўнғироқ қилиб, МХХ раисини ҳақорат қилишни ва қарғашни бошлади. Жумладан, 2013 йил 18 декабрь куни Гулнора Каримова Рустам Иноятовнинг укасига телефон қилиб, унинг қудратли акасини сўкиб, лаънатлади.

Бироқ Ўзбекистон махсус хизматларининг раҳбарига бундай усуллар билан таъсир қилиб бўлмайди. Рустам Иноятов Гулнора Каримовага ачиниби, унга қарши босим ўтказишни тўхтатиши амри маҳол. Чунки Иноятов бу ишларни пухта режа асосида ва аниқ масқад сари амалга оширмоқда. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Ўзбекистон махсус хизматларининг раиси Рустам Иноятов ўзини собиқ Совет Иттифоқида Брежневдан кейин те-

ЎЗБЕКИСТОН МХХ РАИСИ Р.ИНОЯТОВ ТОМОНИДАН БУЮРИЛГАН ҚОТИЛЛИКЛАР ВА БОШҚА ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДА

ларга 160 миллион долларга сотишга ҳалақит қилган Гулнора Каримова Рустам Иноятов учун ашадий душманга айланди. Иноятов "Ипотека-банк" учун аванс тариқасида олган 60 миллион долларни россиялик жиноий гуруҳларга қайтариб беришга мажбур бўлди. Ана ўшандан кейин Рустам Иноятов Гулнора Каримованинг куч-қудратини батамом яқон қилишга киришди. Аввалига у Бош вазир Шавкат Мирзиёев орқали "Zeromax" компаниясини йўқ қилишга эришди. Кейинчалик Россиянинг ФСБси орқали Швециянинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига Гулнора Каримова "Telia Sonera"дан пора олганлиги ҳақида фактларни етказди. Эндиликда Гулнора Каримованинг аввалги имкониятлари ва қудратидан асар ҳам қолмади. Иноятов Гулнора Каримованинг салтанатини отаси Ислон Каримовнинг қўли билан йўқ қилди. Шуниси диққатга сазовор-ки, Гулнора Каримованинг бизнес-тузилмаларига кенг қамровли ҳужум уюштириш ҳақида президент Каримовдан розилик олган Рустам Иноятов бу ишда анча илгарилаб кетди. Ва президент бу ҳақида, яъни Иноятов Гулнорага босим ўтказиш меъёрларидан чиқиб кетгани ҳақида ҳеч нарса билмайди.

Гулнора Каримова кўп нарсаларни, жумладан, Иноятовнинг буйруғига кўра "идора" ходимлари уни ташқи дунёдан тўла айиришга уринаётганини ўз отаси Ислон Каримовга етказмоқчи. Лекин бу ишнинг уйдасидан чиқа олмаяпти. Чунки Гулнорани президент Каримовнинг

мир тартиб ўрнатишга ўринган Юрий Андропов деб ўйламоқда. Иноятовдан Андроповнинг ўзбекча варианты чиқиш-чиқмаслигини вақт кўрсатади.

Лекин бугун шуни аниқ айтиш мумкин-ки, давлат раҳбарининг оиласини парчалаш ишларида Рустам Иноятов собиқ КГБдаги раҳбари ва ҳамкасбидан ўзиб кетди. Чунки Совет Иттифоқи Бош қотибининг турмуш ўртоғи ва қизларининг қилмишлари ҳақида Леонид Брежневга доим маълумот етказишни ҳуш кўрган Андропов ҳарчанд уринмасин, Брежневнинг оиласини батамом парчалай олмаганди. Лекин Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида туғилиб, Андроповга шогирд тушган Иноятов каримовлар оиласидаги эрхотин ва болаларни бир-бирига мурса қилмайдиған душманларга айлаштиришга эришди.

Бизнингча, агар Ўзбекистонда Ислон Каримовдан кейин давлат тепасига Иноятовнинг одамлари (масалан, Шавкат Мирзиёев ёки Аҳмаджон Усмонов) келса, ўзбекистонликларнинг ижтимоий аҳволи ҳам, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам яхшиланмайди. Аксинча, ёмонлашиши ҳам мумкин.

Воқеалар шундай тус олса, Каримов диктатураси яна 20-30 йил умр кўради. Фақат бу даврни мустабид тузум бошқа номлар – Мирзиёев диктатураси ёки Усмонов диктатураси деган номлар – билан яшайди.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ
сиёсатшунос



Нух алайҳиссалом

Ажнабий илм ва фан кишиларининг баъзилари, кеманинг колдикларини топиш умидида, Аҳди Атикнинг “Тавҳид” китобининг 4 қисмидан Арорат таъбиридан мулҳам ўлароқ, гоҳ-гоҳ Ағри тоғларига чиқиб, кемани ахтарганлари, аммо ҳар сафар қўли бўш қайтганлари маълум.

Қуръони Каримнинг тўфон ҳақида баён

Тўфон ва унинг оқибатлари Қуръони Каримда шундай баён қилинади:

“Ва Биз ҳам осмон эшикларини шариллаб тўкиладиган сувларга очдик. Ер тешикларидан ҳам сувларни пишқиртиб чиқардик ва бу сувлар ўз тақдирига ёзилган амр ила бирлашди (151).

(Кема нонкўрлар тарафидан) рад қилинган зотга бир мукофот бўлиб, кўз ўнгимизда оқиб борар эди (152).

Нух бир четда турган ўғлини қақирди:

- Ўғлим, кел бизнинг ёнимизга, мин! Кофирлардан бўлма. (Ўғли) деди:

- Мен тоққа чиқаман, тоғ сувдан кутқаради, — деди. (Нух) айтди:

- Бугун Аллоҳнинг амридан, унинг Ўзидан бошқа кутқарувчи йўқдир.

Иккисининг орасига сув кирди. Ўғли дарҳол бўғилганларга қўшилди (153). Нух Роббига дуо ва нидо этди:

- Эй Роббим, менинг ўғлим ҳам, шубҳасиз, менинг оиламдандир. Сенинг (оиламни кутқаришга берган) ваъданг албатта ҳақдир. Сен адолатли ҳукм қилгучи, ҳокимлар ҳокимисан, — (деди. Аллоҳу Таоло):

- Эй Нух, у қатъиян сенинг оилангдан эмас! Албатта (ишлаган иши солиҳ бўлмаган), ёмон бир иш (ко-

фирлик ва иймонсизликдир). Демак, яхши билмаган нарс ҳақида Мендан истама! Сени билмаганлардан бўлишингни маън қиламан, — деди.

(Нух:)

- Эй Роббим, мен билмаган нарсамни Сендан иташдан Сенга сизинаман! Агар Сен мени афу этмасанг, хусронга тушганлардан бўламан, — деди (154).

- Эй Арз (ер), сувингни ют!

- Эй Осмон, сувингни тут, (тўхтат), — дейилди.

Сув кесилди. Иш тамом бўлди, битди. (Кема ҳам) Жуди тоғи устида тўхтади. Золимлар гуруҳига “узук бўлсинлар” дейилди (155).

- Эй Нух, сенга ва сен билан кемада бўлганлардан дунёга келажак (мўмин) умматларга Биздан салом (ва саломат) ва баракотлар ила (кемадан) туш. (Булардан туғиладиган кофир) умматлар ҳам бордирки, уларни (дунёда мўл ризқларла) фойдалан-

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

тирамиз, сўнгра (охиратда) уларга Биздан аччиқ бир азоб келажакдир, — дейилди (156).

Онт бўлсинки, Биз Нухни, қавмига (пайғамбар ўлароқ) юборганмиз, у (қавми) орасида 50 йили кам минг йил яшади. Ниҳоят, улар зулмда давом этар экан, тўфонга тутилдилар. Лекин Биз уни ва кемадаги ҳамроҳларини саломатга эриштирдик ва буни оламларга ибрат қилдик (157).

Онт бўлсинки, Биз буни (кемани) бир оят ўлароқ қолдирдик. У ҳолда ўйлаб, ибрат олган борми, азобим ва таҳдидларим қалай экан (158)?

Булар ғайб хабарларидандирки, сенга ваҳий этиямиз. Буни на сен, на-да қавминг биларди. У ҳолда сен ҳам (Нух каби ҳар жафога) рози бўл. Оқибат ҳеч шубҳасиз тақвога эришганларникидир (159)”.

Нух алайҳиссаломнинг ўғилларига тавсиялари ва вафоти

Ривоятга кўра Нух алайҳиссалом тўфондан кейин яна уч юз эллик йил яшаган (160). Нух алайҳиссалом вафоти яқинлашганда, ўрнига катта ўғли Сомни вақил тайинлади. (Сом тўфондан 78 йил аввал туғилганди) (161). Нух алайҳиссалом ёнига тўпланган ўғиллари Сом, Ҳом, Ёфас ва уларнинг фарзандларига бир қанча тавсиялар қилди. Аллоҳу Таолога ибодат қилишни давом эттиришни амр этди (162). Ўғли Сомга алоҳида қилиб:

- Эй ўғлим, қалбингда заррача ширк бўлса, қабрга кирма. Чунки Аллоҳ ҳузурига мушрик бўлиб келган кимсага бир далил йўқдир.

Эй ўғлим, қалбингда заррача кибр бўлса, қабрга кирма, чунки кибриё сифати Аллоҳу Таолонинг ридосидир. Унинг ридосини тортишган кимсага Аллоҳ ғазаб этар.

Эй ўғлим, қалбингда заррача қадар умидсизлик билан, Аллоҳнинг раҳматидан умид кесиб, қабрга кирма, чунки далолатга тушган кимсадан бошқаси Аллоҳнинг раҳматидан умидини узмайди (163).

Мен сенга васиятимни сўйлаяпман. Сенга икки нарсани бажаришга, икки нарсадан ўзингни эҳтиёт қилишинга амр қиламан:

Сенга “ла илаҳа иллаллоҳ” тавҳидини зикр қилишни амр этаман. Чунки етти қат кўк ва етти қат ер сўнгсиз-адоқсиз чамбар бўлсалар, “ла илаҳа иллаллоҳ ва субҳан Аллоҳи ва биҳамдиҳи” калимаси уларни синдирад. Чунки булар ҳар нарсанинг дуосидир ва халқ булардан ризқланар.

Сени ширкдан наҳий қиламан, ун-

дан эҳтиёт бўлишингни амр қиламан (164). Кучинг етса, қалбингда ширк ва кибрдан заррача бўлмаслигига эриш (165).

Ривоятга кўра, Нух алайҳиссалом вафоти яқинлашганда (166):

- Эй Абулбашар, Эй узун умрли (167), дунёни қандай кўрдинг”, — деб сўралганда, Нух алайҳиссалом:

- Дунё икки эшикли эди, бирисидан кирдим, иккинчисидан чиқдим”, — дегандир (168).

Нух алайҳиссалом қамишдан бир кулба қурганди. Унга “бундан мустаҳкамроқ бир уй солсанг бўлмайди?” деб сўраганларида, “ўлажак одамга бу ҳам кўп”, — деганди (169).

Ривоятга кўра, уммати ҳалок бўлган пайғамбарлар Маккага келиб, Аллоҳга ибодат-ла машғул бўлар ва ёнидагилар билан ўлгунча ўша ерда қолишарди. Нух, Ҳуд, Солиҳ ва Шуайб алайҳиссаломлар Маккада вафот этганлар. Уларнинг мазорлари Замзам билан Ҳожар ул-асвад рукни орасидадир (170).

Замзам билан Ҳожар ул-асвад рукни орасида етмиш пайғамбар (171), бошқа ривоятга кўра эса, тўқсон тўққиз пайғамбар кўмилгандир (172).

Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин!

Нух алайҳиссалом бир нарса еганидан сўнг, “алҳамдулиллаҳ” дерди. Бир ичимлик ичгандан сўнг, “алҳамдулиллаҳ” дерди. Бир минакка минган пайтда ҳам, “алҳамдулиллаҳ” дерди. Шу боис, Аллоҳу Таоло унга шукр этувчи кул исмини берди (173).

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Пайғамбарларнинг улуғлари
Саҳиҳ хадисга кўра
пайғамбарларнинг саййид ва
улуғлари бешта:

1. Нух
2. Иброҳим
3. Мусо
4. Исо
5. Мухаммад алайҳиссаломлар (174).

Нух алайҳиссаломнинг Абулбашарлиги ва бутун инсонларнинг унинг ўғилларидан таркагани

Куръони Каримда: “Унинг (Нух алайҳиссаломнинг) зурриётини ер юзида давомли яшаганлардан айладик” (175) маъносига оятни пайғамбаримиз алайҳиссалом:

“Нухнинг уч ўғли бор эди: Сом, Ҳом ва Ёфас (176). Сом — Арабларнинг отасидир. Ёфас — Румларнинг отасидир. Ҳом — Ҳабашларнинг отаси (177)”, деб йўримлаганлар.

Бунга кўра, ер юзидаги инсонларнинг барчаси Нух алайҳиссаломнинг зурриётларидир (178). Нух алайҳиссалом Одам алайҳиссаломдан кейин Абулбашар ҳисобланади (179). Инсоният Одам ва Нух алайҳиссаломдан дунёга келгандир (180). Бошқача айтганда, инсон зотининг биринчи отаси — Одам алайҳиссалом, иккинчи отаси Нух алайҳиссаломдир (181).

Нух алайҳиссаломнинг дунёни уч ўғлига тақсим қилиши

Нух алайҳиссалом ер юзини уч ўғли орасида тақсим қиларкан, ўғли Сомга ер юзининг ўрта, устун қисмини таҳсис этдики (182), Байт ул-мақдис (183), Нил, Фирот, Дижла, Сайхон, Жайхон ва Файсун дарёлари ва уларнинг суғоргани тупроқлар Сомнинг чекига тушди (186). Шунингдек, Файсун билан Нилнинг кунчиқар тарафи ва орқа тарафдаги жануб шамоллари эсган бурунга қадар унинг ерлари эди (187). Нух алайҳиссалом ўғли Ҳомга Нил дарёсининг кунботари ва орқа тарафига тушган ерларни таҳсис қилди.

Ёфас Мағриб ва Машриқ ўртасида жойлашди (189). Ёфаснинг ўғилларидан Сақолиб ва Исбаннинг юрти Румлардан аввал Арзрум эди (190).

Турклардан, Ҳазарлардан бўлиб, Араб бўлмаган бутун қироллар Ёфаснинг ўғилларидир (191).

Ёфаснинг фарзандлари бўлган Туркларнинг баъзилари шаҳар ва қалъа халқи, баъзилари тоғларда, қирларда кўчманчи сифатида чодирларда яшаб, овчиликдан бошқа иш қилишмасди. Туркларнинг энг катта қироллари Ҳокон бўлиб, олтиндан тахти, олтиндан тожи ва камари бор

эди. Ўзи ипакдан либос киярди (192).

Ҳом денгиз соҳилига бориб ерлашди. Унинг Куш, Канон ва Қут исмидаги ўғиллари Қут, Ҳинд ва Синд тупроқларига бориб ерлашди. Бу мамлакатларнинг халқи Қутнинг фарзандларидир. Судан, Нуба, Зана, Қарон, Загаве, Ҳабаша, Кибт ва Варбар уруғлари Ҳомнинг Куш ва Канон исмидаги ўғилларидан таркагандир (193).

Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сом Арзи Ҳарам ва унинг атрофига ерлашиб, аждодлари Ҳадрамавтга, Аммонга, Алич ва Ябринга, Вабар, Давв ва Дехнага қадар ёйилди (194).

Нух алайҳиссалом билан Иброҳим алайҳиссалом ўртасидаги ота тарафидан боғлар

Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сом ақлда, билимда, фаросат ва зехнда, қалб тозаллигида ўз укаларидан устун бўлгани учун Нух алайҳиссалом уни ўз ўрнига вакил

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (4)

тайин этди ва унга пайғамбарлик сирларини, ҳикматнинг асрорларини ўргатди. Қолган ўғилларига Сомга бўйсунини васият этди. Пайғамбарлар, валийлар, сиддиклар, солихлар, султонлар ва амирларнинг Сом уруғидан келиши учун Аллоҳу Таолога дуо этди (195).

Нух алайҳиссаломдан кейин ўғли Сом ҳам Аллоҳу Таолога ибодат ва тоат ила, зиммасига юкланган вазифани адо этди (Ёқуби “Тарих”, 1-жилд, 17-саҳифа).

Сом вафоти яқинлашганда, ўғли Арфаҳшедни ўз ўрнига тайинлади (196). Сом 600 ёшда вафот этди. Соддан кейин ўғли Арфаҳшед Аллоҳу Таолога ибодат ва тоатла машғул бўлди.

Арфаҳшед вафотидан олдин ўғли ва оиласини тўплаб, Аллоҳу Таолога ибодатда давом этишларини ва мосиятлардан эҳтиёт бўлишини васият қилди. Ўғли Шолиҳга: “Васиятимни қабул эт, мендан сўнгра оила ичида Аллоҳу Таолога ибодат ва тоат этувчи бўл”, деди.

Арфаҳшед вафот этганда 465 ёшда эди (197).

Арфаҳшеддан кейин унинг ўрнига ўтирган ўғли Шолиҳ (198) Аллоҳга ибодат ва тоат билан машғул бўлиб, қавмини мосиятлардан нахий этди. Мосият ишлаганлар учрайдиган азобдан уларни огоҳлантирди (199).

Шолиҳ вафотидан олдин ўрнига ўғли Обирни тайинлади (200). Лаънатланган Қобил ўғиллари ишларидан узок туришни унга амр қилди.

Шолиҳ вафот этганда 430 ёшда эди (201).

Шолиҳдан сўнгра ўғли Обир қавмини Аллоҳу Таолога ибодат ва тоатга даъват этди. Оталарининг динини ўзгартирган ва мосият ишлаган Канон бин Ҳом ўғиллари ила бирга бўлишдан ўғилларини огоҳлантирди, улардан узокда бўлишни васият қилди (202).

Обир вафоти олдидан ўғли Фалиғни ўрнига тайинлади (203). Унга “Эй ўғлим, малъун Қобил ўғиллари Аллоҳу Таолога исён бўлган ишларни кўпайтирганда, Шис ўғиллари уларнинг ёнига тушди. Аллоҳ уларга ёмон бир азоб йўллади. На сен, на халқинг Канон ўғиллари жамоасига кирманглар”, — деб васият қилди.

Обир вафот этганда 340 ёшда эди (204).

Обирдан сўнгра ўрнига Фалиғ ўтирди (205). Фалиғ қавмини Аллоҳу Таолога тоатга даъват этди. Фалиғ вафотидан олдин ўз ўрнига ўғли Ар-

гуни қолдирди.

Фалиғ вафот этганида 239 ёшда эди (206).

Фалиғдан кейин ўрнига унинг ўғли Аргу ўтирди. Аргу вафоти олдидан ўрнига Саругни тайинлади (207). Аргу Вобилдаги жаббор (зўравон) ҳукмдор Намруд замонида яшади.

Аргу 200 ёшида вафот этди (208).

Аргунинг ўрнига ўғли Саруг ўтирди (209). Саругнинг даврида зўравонлик кучайиб, бутпарастлик кенг тарқалганди. Халқнинг бир қисми бутларга, бир қисми тошларга, баъзилари ёғочга, баъзилари сувга ёки шамолга топина бошлагандилар.

Саруг вафоти олдидан ўғли Нахорни ўрнига тайинлади ва унга Аллоҳу Таолога ибодатни амр қилди.

Саруг вафот этганда 230 ёшида эди (210). Саругдан сўнгра ўғли Нахор отасининг ўрнига ўтирди (211).

Нахор замонида Аллоҳу Таоло ерни даҳшатли зилзила билан қакшатди. Бутун бутлар ерга тушди. Фақат инсонларнинг кўзи очилмади. Бутларни олиб, ўрнига қўйдилар. У даврда жаббор ва зўравонлар Од бин Авс, бин Ирам, бин Сом, бин Нух ўғиллари бўлиб, уларнинг юртлари Надрамевтнинг баландликларидан Нажрон водийларига қадар узанган эди (212).

Од қавми Аҳкофда, узун кум тепаликларидан жойлашганди.

Бузуқлик ва қутуришлари авж олган бир пайтда Аллоҳу Таоло уларга биродари бўлмиш (213) Худ алайҳиссаломни пайғамбар ўларок юборди.

Давоми келгуси сонда



Ислон Каримов мамлакатдаги 140 дан ортиқ аксар йирик саноат ва кимё корхоналарининг “зарар кўриб ишлаётгани”ни очик эътироф этган.

Каримов бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 17 январ куни бўлиб ўтган 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурга бағишланган йиғилишида гапирган.

Каримовга кўра, касод бўлган корхоналар орасида Тошкент трактор заводи, “Агрегат заводи”, “Чирчиққишлоқмаш”, “Ўзпахтамаш” очик акциядорлик жамиятлари бор.

Президентнинг айтишича, бу корхоналар “оғир молиявий аҳволга тушиб қолган”.

“Коммунал соҳада 26 та зарар кўриб ишлаётган корхона, шу билан бирга, йўл қурилиши соҳасида 13 та иқтисодий ночор корхона мавжуд экани ҳам ташвиш уйғотади”,- деб айтган Каримов.

Давлат раҳбари ҳукуматга 3 ойлик муддатда бу корхоналарни молиявий инқироздан ва банкротликдан

чиқариш бўйича “йўл харитаси” ни ишлаб чиқишни топширган.

Унинг айтишича, “бундай чора-тадбирларни қўллаш фойдасиз бўлган корхоналар ноль қиймати бўйича хусусий жисмоний шахсларга сотилади”.

Каримов “хусусий мулк шаклидаги корхона давлат мулки бўлган корхонадан кўра анча самарали ишлашни” таъкидлаган.

Каримовнинг сўзлари унинг ўзи айна йиғилишда келтирган

РЕЖИМДАН БОШҚА БУТУН КОРХОНАЛАР СИНАЯПТИ

Ўзбекистон иқтисодида саноатнинг улуши ошиб бораётгани ҳақидаги рақамларга зиддир.

Каримов мамлакатдаги йирик корхоналарнинг касодга учрагани ҳақида гапиришдан аввал 2013 йилда “эришилган ютуқлар”ни бирма-бир санаб ўтган.

Жумладан, ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсгани ва инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлиб, 6,8 фоизни ташкил этганини айтган.

Президентга кўра, ўтган йили мамлакатда “қарийб 970 минг киши иш билан таъминланган”.

Бу аҳоли сонига нисбатан олинса, дунёнинг саноати энг ривожланган АҚШ ва Британия сингари давлатларида яратилган иш ўринларидан кўпдир, – дейди ВВС радиоси.

Каримовнинг айтишича, бу иш

ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларида яратилган.

Аввалроқ Вазирлар Маҳкамаси ҳам айна рақамларни эълон қилган эди. Аммо мустақил иқтисодчилар ҳукуматнинг иш ўринларига доир бераётган рақамларининг ҳаққонийлигини савол остига олишади.

Уларга кўра, миллионлаб ўзбекистонликлар хориждан иш излаётган бир пайтда бу рақамларга ишоний қийин.

Каримов ишсизлик даражасига доир рақамларга тўхталмаган ва меҳнат муҳожирлигини тилга ҳам олмаган. Ўтган йили у Россияга иш излаб бораётган ўзбекларни “дангасалар” деб атаганди. Каримов шунингдек, мамлакат аҳолиси юз тутган йирик энергетика инқироzi ҳақида ҳам лом-мим демаган.

Айна пайтда унинг айтишича, 2014 йилда “Ўзбекистон-Хитой газ қувури”нинг учинчи тармоғини ишга тушириш режаланмоқда.

Газга бой Ўзбекистон аҳолиси сўнгги йилларда газ ва электр тақчиллигидан жабр чекиб келади.

Мутахассиларга кўра, Ўзбекистоннинг Хитой олдида олган газ етказиб бериш бўйича йирик мажбуриятларининг бир қисми ички истеъмол ҳисобидан қопланмоқда.

UZBEK.FM

Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова ўз синглиси Лола Каримова-Тиллаева ҳақида янги номлар эълон қилди. Кеча Твиттердаги микроблогда Гулнора “Лолитанинг шўхликлари ва SNOB’S ҳашаматли бутиклари” (Шалости Лолиты и роскошные бутики SNOB’S) деган ҳикояга линк эълон қилган. Бу ҳикоя Про-

ўзининг учинчи эри Темур Тиллаев билан барда танишган.

Лола бу барда тез-тез оргиялар уюштириб турган ва бир неча марта наркотик кайфида микрофонга тушунарси сўзлар айтиб бақирган. Муаллиф яна айтадики, Лола Каримованинг Женевадаги ҳашаматли қасридан ташқари Америкада “Беверли Хиллз”да



ташлайди Маркус Аврелий.

Эслаиб ўтагимиз, Ўзбекистон президентининг қизлари анчадан бери ит-мушук бўлиб келишади.

Биринчи бўлиб бундай муносабатлар ҳақида кенжа қизи Лола Каримова-Тиллаева ВВС ўзбек хизматига суҳбатда айтган эди.

Сўнгра Гулнора синглисини жодугарликда айблаган ва синглиси ва унинг эри Темур Тиллаевни ўзининг барча қулфатларида айбдор деган.

UZBEK.FM

КАРИМОВНИНГ ҚИЗЛАРИ: МАҒЗАВАЛАР ЖАНГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

за.ру сайтида қандайдир Маркус Аврелий таҳаллусли муаллифга тегишли “Лола Тиллаеванинг шўхликлари” деб номланган кичик бир матн. Матнда муаллиф Лолани “Дона Туалете” деб атади ва мободо ким унга қарши чиқса, жуда тез кунда ўлиб қолади ёки ўлдириб юборилади, дейилади.

Ҳикояда яна айтилишича, Лола

ҳам 58 млн. долларлик улкан саройи бор. Бундан ташқари муаллиф президент кенжа қизининг қимматбаҳо зиёфатларидан ҳайратланади. “Масалан, – дейди у, – Моника Беллучи билан бўлган зиёфатга 190 минг евро тўлаган.

Яна бир марта шунақа зиёфат учун ўзбек болалари қанча пахта териб бериши керак?” дея савол

Нафақат бутун бир империя, бу империядаги илхом париси ҳам чорасиз бир холдадир. Шоир, бу манзара қаршида шахсий қийинчиликларини унутиб, илхом парисини ҳимоя этади.

“Уйга вазифа” шеърида Муҳаммад Солиҳ очлик билан курашаётган жамиятнинг шоири ўлароқ сасланмоқдадир:

*Zero очлик, очлик ҳам ҳатто,
Бу дунёнинг неъматини фақат!*

Муҳаммад Солиҳ, “Мумкин” ва “Мумкин эмас” номли шеърларида, Совет империясида нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигидан хабар беради. 1984-йилда ёзилган бу шеърларда ўша пайтдаги тузум очикча танқид этилмоқдадир. Бу шеърларда ифода этилганидек, фикрингни айтмаслик, ёлғон гапирмоқ, инкор этмоқ, ҳар қандай холга бардош бермоқ мумкундир. Бутун буларга қарши, ўзгача фикрлашларга са-

бир қонун амридир. Бошқача қилиб айтганда, барчанинг ҳаётдан мамнун бўлиши, бахтли бўлиб кўриниши амр этилгандир. Бу амрга қарши чиққанлар эса, режим душмани, бузғунчи саналади.

Муҳаммад Солиҳ, 1980 ва 1983 йилларда ёзган икки шеърида бундай зўраки бахтни аччиқ киноя билан тасвирлайди. Шоир “Бу ерда” номли биринчи шеърида совет жаннатини таъриф этади. “Бу ерда”, яъни Совет империясида қувонч, абадий уйғоқ хаста бир кўзга охшайди. “У ерда” изтироб, мажҳул бир калимадир. Умидсиз бўлмоқ учун ҳеч қандай сабаб йўқ. У ерда кимса фарёд чекмас, кимса ўлмас, йиғламас, кимса мактуб ёзмас, кимсадан мактуб кутилмас. Шохдаги қип-қизил олма абадий кизариб тураверади; асло ерга тушиб чиримайди, ҳеч қурт емайди уни. Ва ниҳоят у ўлкада;

Қувонч, уйку билмас бемор бир

Ўзбекларнинг 70% и кишлоқларда яшамоқда ва пахта етиштириш билан машғул бўлмоқдадир.

Ўзбекистонда пахта планининг Туркиядагидан ўн баравар (йилда 4 миллион тонна) кўп эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бунинг нақадар қатта меҳнат эканлиги яна ҳам аниқроқ кўз олдимизда намоён бўлади. Нуфузи Туркиянинг учдан бири қадар бўлган Ўзбекистонда, Москва идораси билан белгиланган ишлаб чиқариш планининг бажарилиши учун бутун миллат пахта майдонларига қарийб сургун этилгандир. Ягона мақсад экологик фалокатларга ва соғлиқ муаммоларига қарамай, ҳар йил яна ҳам кўпроқ пахта етиштирмоқдир. Муҳаммад Солиҳ, совет тузумининг Ўзбекистонга тадбиқ этилишини, ва ўзбекларнинг ҳаётини, 1988 йилда қаламга олгани “Дилдаги ўйлар” мақоласида шундай мулоҳаза юритади:

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

баб бўладиган китобларни ўқимоқ, бошқа ерларни ва бошқача ҳаёт тарзини қумсамоқ, севмоқ, шикоят қилмоқ, фарёд этмоқ ва энг асосийси, “мумкинми”, деб сўрамоқ мумкин эмасдир. Бу шеърнинг сўнгида ер олган, “Агар аллақачон ўлмаган бўсанг” мисрасидаги “ўлмаган” сифат феъли, “манқурт бўлмоқ” маъносида қўлланилгандир. Бу сифат феъли, юқорида санаб ўтилган шартлар билан бирга баҳо бериладиган бўлса, манқурт бўлмоқ, Советлар Бирлигида яшай олмоқнинг ягона йўли эканлиги аён бўлади: Манқурт ўлароқ яшаш мумкундир. Аммо бунинг учун ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қилмоқ, ва ҳеч нарса ҳақда “мумкинми?” дей суриштириш мумкин эмас.

Мумкин эмас, ҳатто оҳиста,

Қўрқа-писа “мумкинми?” демок.

Муҳаммад Солиҳ, совет ҳаёт тарзини ўткир қалам остига олган шеърларидан яна бири “Кечикканлар”дир. Шеърда Совет жамиятининг бутунлай, ҳаётнинг замондан орқада қолгани, шоирнинг ифодасига кўра “поездига кечиккани” маълум бўлади. Шеърнинг сўнгида шоир, қўлларида тугунлари ва билетлари билан бекатда кутаётган бутун халққа айланиб:

Гар кечиккан бўлса ҳамма, ким поездда кетди - ким? дея сўрамоқдан ўзини туголмайди.

Юқорида, “Мумкин эмас” шеърдан баҳс этиларкан, совет ҳаёт тарзидан арз қилмоқнинг, шикоят этмоқнинг имконсизлиги ифодаланган эди. Бу тузим, Совет Иттифоқода

кўздир.

Шоир “Қувонч” шеърида эса, сабабсиз севинчини тараннум этмоқдадир. Мамнун кўринмоқ, ва севинчли бўлмоқ ҳам энди бир хасталик ҳолига келади:

Кўкларга сакрагим келади, -

Нима бало бўлди, билмайман.

Бу мисраларда кўрилганидек, шоир, севинчидан ҳаволарга сакрамоқ ва ерларда юмаламоқ иштайди. Аслида бу оддий бир хол эмас. Шоир буни яхши англайди. Аммо, сабабини ўзи ҳам билмайди. Ҳадеб кулаверади.

Куламан, тинимсиз куламан.

Севинчли кўринмоқ амр этилгани учун, ҳеч ким шоирнинг қулишига монъэлик қилмайди. Ҳолбуки, шоир кулгусини тўхтатишларига эҳтиёж сезади. Акс ҳолда, севинчдан, зўраки бахтиёрликдан ўлиб қолиши мумкин:

Ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмас,

*Қайрилиб қарамас бир инсон зоти
Қувончдан ўлаётган одамга!*

Ҳозиргача таҳлил этиб чиққанимиз шеърларда, Советлар Бирлиги даврида яшалган ҳаёт бош мавзу қилиб олинган эди. Бундан кейинги шеърларда эса, ўзбек туркларининг ҳаёти қаламга олинган.

Шоир, ўзбекларнинг ҳаётдан баҳс этаркан, пахта пайкаларида кеча-кундуз демай меҳнат қилган, ишламоқдан ва итоат этмоқдан бошқа нарсани ўйламаган ва нафақат моддий, балки маънавий кафолатга ҳам маъруз қолган бир жамиятнинг ҳаётини бизга кўрсатишга ҳаракат қилади.

“Чор Русияси даврида кейинчалик “ўзбек” деб аталган бу турк халқининг 75% кишлоқларда, 25% шаҳарларда яшаган. Бугун сотсиализм тузуми барқ урган пайтда бу халқнинг кишлоқда яшайдиган қисми 80% га етди. Тараққиётга балли! Шаҳарларимиз кўпаймоқда уларда яшаётган ўзбеклар сони, аксинча камаймоқда. Урушгача (Иккинчи дунё урушидан аввал) Ўзбекистонда йигирма етти минг майда кишлоқлар бор эди, хутор системасини тугатиш байроғи остида, бу кишлоқларнинг йигирма минги йўқотилди. Ўрнига шаҳарлар эмас, пахта плантатсиялари пайдо бўлди. Баъзи газеталар “Дехқонлар гўшт емайдилар” деб ёзапти. Тўғри гап. Дехқонлар пархездалар. Чунки гўштнинг ўзи йўқ. Гўшт берадиган чорвачилик йўқ, чорвани боқадиган яйлоялар йўқ- яйловларга ҳам пахта экилган.”

Шу йилда қаламга олинган “Жавоб” номли мақолада ҳам, 1929 йилда Америка, иқтисодий инкирозга учраб, Русияга пахта беришни тўхтатгач, Сталиннинг амри билан Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлигини орттириш мақсадида, бир қанча тадбирлар олинганини, бунинг учун эса, кишлоқларга қўшиб, боғларнинг, яйловларнинг ва ўрмонларнинг йўқ этилганини, инсонларнинг кўрган зулмларини англатади.”

Муҳаммад Солиҳ, 1985 йилда ёзган “Дехқон қўллари” номли шеърида, пахтадан бошқа нарсани ўйламаган ўзбек дехқонининг бу ҳазин ҳаётини тараннум этмоқдадир.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Мен Исл ом а с о с л а р и н и онамдан олганман, буни онамнинг ўзи ҳам билмаган, мен ҳам билмаганман. Кейин мен мусулмон инсонга турмушга чиққан имдан кейин Аллоҳ иккимизга ҳам хидоят берди, алхамдулиллоҳ. Шундай қилиб, мен вояга етиб, тўла ақлимни таниган пайтимда мусулмон бўлдим.

2. Ибн Синонинг тиббиёти, Тибби набавий (пайғамбарлар тибби)нинг бир парчасидир. Энг муҳим маслақлар пайғамбарларга берилгани каби, Тибб илми ҳам Лукмони ҳакимга берилгандир.

Бу илм инсонни, касалликни ва унга шифони яратган Аллоҳ тарафидан берилганига кўра, бундай илмда прогресс, регресс ва ёки камчилик бўлиши мумкин эмас.

Бу контекстда замонавий медицинадаги прогрессив кўринган “ютуклар”, аслида, тиббий адашувнинг масофаларидир. Агар шундай бўлмаганда эди, касалликлар ва касаллар сони озайган бўларди, касалликларнинг давоси топилган бўларди.

Холбуки, касалликлар озайиш ўрнига, йил сайин янги-янги касалликлар пайдо бўлмоқда. Касаллар озайиш ўрнига, дахшатли даражада кўпайишда давом этмоқда.

Янада фожеали жойи шундаки, замонавий медицина бирорта касалликнинг туб сабабини аниқлай олмаяпти, фақат касалликка ном, ташхис кўйяпти.

Ва сабабини билмаган касалликларни “даво”ламоқда.

Бундай даволаш бўлиши мумкинми?

Шундай экан, замонавий тибб нақадар прогрессивлашса, шу қадар боши берк кўчага кириб бораверади. Шунинг учун, Тибби набавийга, наинки, Оврўпонинг, балки бутун инсониятнинг катта эҳтиёжи бор.

Бу ҳақиқатни инсонлар бугун бўлмаса, эртага мутлақо англашга мажбурлар.

Сожида Ризо: Покистон: Ассалому алайкум. Сиз гомеопатик дорилар билан даволанишга қандай қарайсиз? Ўзбекистонда бу дорилар топиладими?

Ва табиий дорилар билан даволашни қанчалик йўлга кўйилган?

Ойдин Солиҳ: Ва алайкум ассалом. Бу дориларни дунёнинг ҳар бурчагидан топиш мумкин.

Бу дориларнинг таркибини сотувчиларнинг ўзлари билмайди, аммо ҳар қандай хасталикка шифо сифатида қиммат баҳоларда сотаверадилар. Бу дорилар нафақат фойдасиз, хатто - кўп ҳолларда зарарлидир.

Табиий дориларга келсак, «табиий» дейилган витамин ва дориларнинг аксарияти гени ўзгартирилган маҳсулотлардан гени ўзгарган микроб воситасида олинади. Уларнинг фойда ёки зарарининг миқёсини фақат келажак кўрсатади. Мен бу вазиятда фақат ёввойи ўсимликлардан фойдаланишни тавсия қилган бўлардим.

Баҳодир (Европа): Ассалому алайкум, мухтарам Ойдин хоним. Ибн Сино руҳий беморларни мусика билан даволаган, деб эшитганман. Сиз мусика билан даволаш ҳақида қандай фикрдасиз?

Мисол учун, бугун руҳий мусулмон беморни даволаш учун қандай мусикаларни тинглашни маслаҳат берган бўлардингиз?

Ойдин Солиҳ: Ва алайкум ассалом. Ибн Сино руҳий беморларни мусика билан даволаган, деб эшитмаганман. Ўйлайманки, бундай даволаш услубини қўллаш у пайтларда осон булмаган, чунки мусика динимиз тарафидан тақиқланган эди.

Бугун биз мусиканинг нима сабабдан тақиқланганини англаймиз.

Чунки сунъий хушхидлар (ароматлар) ва лазер нури каби, акс-садолар ва сас - товушдан ёйиладиган баъзи вибрация ҳам ДНК даги икки бурма ипликни ўзгаришга мойил ҳолга келтиради ва инсоннинг инсонлик моҳиятини ўзгартиради.

Бугунда «айдозер»лар деб аталган «рақамли (digital) наркотик пайдо булган.

Яъни махсус аудиофайллар инсонда худди LSD ёки марихуана (наша) чеккандан олинадиган кайфни пайдо қилади. Бу эффект бинаурал ритмлар воситасида пайдо қилинади.

Бу механизм шундай ишлайди: Стереокулоқликларнинг ўнг кулоққа тақилгани, бинаурал ритмни, дейлик, 200 Гц частотаси билан берса, чап кулоқдаги тақилган стереокулоқлик орқали бу ритм дейлик 204 Гц частотасида берилади. Ва оқибатда инсон миясининг икки палласи синхрон ишлай бошлайди.

Мия бу икки сигнални бири бири устига қаллайди, иккисининг ўртасидаги фазалар фарқини санаб чиқади ва бу учинчи бир сигнални - бинаурал товуш (зарб)ни ишлаб чиқади. Бу ҳолатда мия 4 Гц (204-200 = 4 Гц) га тенг частотага уйғун зарб билан ураётган товушни “эшитилади”.

Бу бинаурал товуш, миянинг ишлаб чиқарган товушидир.

Бу саслар инсон миясини ва зехнини маълум мақсадларга йўналтириш учун бир восита ўлароқ қўллана бошланганини биламиз.

Анчадан буён дунёда одамнинг миясига таъсир қилиб, қўлланувчининг (кўпинча болалар ва ўспиринларнинг) зехнини йўналтирадиган «mind-machines» сотилмоқда.

Сўнгги 5 йил ичида бинаурал ритм ҳосил қилувчи компьютер программалари ишлаб чиқилиб, уларда бинаурал товушлар билан бир қаторда, визуал эффектлар компьютер мониторида ҳам қўлланила бошлаган.

Шуниндек, бинаурал ритм ва визуал программалар воситасида одамларни муайян мавзуда туш кўришга ҳам йўналтирмоқдалар.

Кундалик ҳаётнинг ҳар онидо олдимиздан чиқаётган, ҳар бир дўконда, хатто янги моделдаги лифтларда доимий равишда чалинаётган, кинотеатрларда бизни тўрт томондан «бомбардимон» қилаётган акс-садоли ва вибрацияли мусикалар; биоэнергия каби параспсихологик терапияси, гормонал ва гомеопатик терапиялар, мусика терапияси, ароматерапия (сунъий хушхидлар терапияси), совуқ лазер терапияси ва лазер жарроҳлиги каби муолажалар, тўғридан-тўғри ДНК ва руҳиятга салбий таъсир ўтказилади.

Бир неча йил олдин бир компьютер ўйинининг реклама шиори шундай эди: «Сиз ҳали ҳам буни атиги бир ўйин деб ўйлаясизми?»

Ўйк, биз энди буни ўйин деб ўйламаймиз.

Биз энди бунинг инсонларни планли равишда роботлаштиришнинг глобал стратегияси эканлигини биламиз.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош